ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

70 «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруглик галла етиштириш хукукига эга бўлиш учун хужаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тутрисидаги низомни тасдиклаш хакида» ги буйрукка ўзгартириш ва кушимчалар киритиш тутрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1794-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ−2460-сонли «2016−2020 йилларда қишлоқ хужалигини янада ривожлантириш ва ислох этиш буйича чора-тадбирлар турисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хужалиги вазирининг 2008 йил 22 мартдаги 41-сонли «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруглик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга булиш учун ҳужаликлар урта-

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.



70-модда

— 66 — 7 (715)-сон

сида танлов ўтказиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида»ги буйругига (рўйхат раками 1794, 2008 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 126-модда) иловага мувофик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Ш. ТЕШАЕВ

Тошкент ш., 2016 йил 12 февраль, 22-сон

Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2016 йил 12 февралдаги 22-сонли буйругига ИЛОВА

«Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруглик галла етиштириш хукукига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида»ги буйрукка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

- 1. Буйрукда:
- а) номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш хукуқига эга булиш учун хужаликлар уртасида танлов утказиш тартиби туррисидаги низомни тасдиқлаш хақида»;
 - б) 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «1. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга булиш учун ҳужаликлар уртасида танлов утказиш тартиби турчисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.».
 - 2. Низомда:
 - а) номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш хуқуқига эга булиш учун хужаликлар уртасида танлов утказиш тартиби туғрисидаги НИЗОМ»;

б) муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:



«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Уругчилик тўгрисида»-ги ҳамда «Селекция ютуклари тўгрисида»ги қонунларига мувофик супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошокли дон экинлари (бугдой ва арпа) уругларини (бундан буён матнда уруглик галла деб юритилади) етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартибини белгилайди.»;

в) 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Комиссия таркибига туман қишлоқ ва сув хужалиги булими бошлиғи (комиссия раиси), Фермерлар кенгаши раиси, хизмат курсатувчи тегишли банк(лар) хамда ирригация тизими бошқармаси рахбарлари, туманда жойлашган «Уздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги дон махсулотлари корхонаси рахбари (рахбар ўринбосари) ёки унинг филиали рахбари, туман «Давуругназоратмарказ» инспекцияси, ўсимликларни химоя килиш туман отряди, туман ер ресурслари ва давлат кадастри булими хамда туман «Давтехназорат» инспекцияси вакиллари, туман қишлоқ ва сув хужалиги булими хосилоти (агрономи) хамда бошқа тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари (рахбарлари) келишув асосида киритилиши лозим.»:

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тулдирилсин:

- «Комиссия котиби этиб, қоида тариқасида, туман қишлоқ ва сув хужалиги булими ходими тайинланади.»;
- г) 6-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин: «Бунда танловда иштирок этишни истаган хўжаликда уруглик галла етиштириш учун ажратиладиган ер майдони сувли ерларда 10 гектардан, лалми ерларда эса, 20 гектардан кам бўлмаслиги лозим (туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотномасига асосан аниқланади).»;
 - д) 17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «17. Биринчи босқичда танловда иштирок этувчиларнинг аризалари тулиқлиги ва мазмуни жиҳатидан текширилгандан сунг, иккинчи босқичда талабгорларнинг имкониятлари асосланганлиги урганиб чиқилиб, рейтинг баллари қуйилади ва якуний қарор қабул қилинади.

Танловда иштирок этувчиларни танлашнинг иккинчи босқичи қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

- а) хужаликлар ер майдонининг тупрок унумдорлиги туман (шахар) ер ресурслари ва давлат кадастри булими маълумотномасига асосан 4 баллдан 10 баллгача бахоланади. Бунда комиссияга маълумотноманинг асли такдим этилади;
- б) хужаликларнинг (сувли ерларидаги) оқар сув таъминоти ирригация тизими бошқармаси маълумотномасига асосан 0 баллдан 10 баллгача баҳоланади (лалми ерлар бундан мустасно). Бунда комиссияга маълумотноманинг асли тақдим этилади;
- в) хужаликларнинг сувли ер майдони тупрогининг шурланганлик даражаси туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри булими маълу-



мотномасига асосан 0 баллдан 10 баллгача бахоланади (лалми ерлар бундан мустасно). Бунда комиссияга маълумотноманинг асли такдим этилади;

- г) хужаликларнинг сувли ер майдони тупроги таркибидаги фосфор, калий ва гумуснинг микдори тупрок таркибидаги фосфор, калий ва гумуснинг мавжуд микдорини тасдикловчи маълумотга (агрокимёвий хаританомага) асосан 0 баллдан 5 баллгача бахоланади (лалми ерлар бундан мустасно). Бунда комиссияга маълумотноманинг (агрокимёвий хаританоманинг) асли ёки хужалик рахбари томонидан тасдикланган нусхаси такдим этилади;
- д) сўнгги 3 йил ичида ғалла майдонлари касалликларга чалинмаганлиги ва зараркунандалар билан зарарланмаганлиги, шунингдек бегона ўтлар таркалмаганлиги — туман ўсимликларни химоя қилиш отряди маълумотномасига асосан 0 баллдан 10 баллгача бахоланади. Бунда комиссияга маълумотноманинг асли такдим этилади;
- е) хужалик рахбарининг мутахассислиги ва маълумоти маълумоти тургисидаги хужжатга асосан 4 баллдан 10 баллгача бахоланади. Бунда комиссияга маълумот тургисидаги хужжатнинг асли курсатилган холда унинг хужалик рахбари томонидан тасдикланган нусхаси такдим этилади.

Хужалик рахбари бир нечта мутахассисликка ва маълумотга эга булса, унинг мутахассислиги ва маълумоти учун қуйиладиган баллларнинг нисбатан юқорироғи инобатга олинади;

- ж) хужалик рахбарининг қишлоқ хужалиги соҳасидаги иш стажи (факат уруғчилик соҳасидаги иш стажи инобатга олинади) — меҳнат дафтарчасига асосан 2 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга меҳнат дафтарчасининг асли курсатилган ҳолда унинг хужалик раҳбари томонидан тасдиқланган нусҳаси тақдим этилади;
- з) талабгорнинг банк хисобварагида мажбуриятлардан холи булган пул маблаглари мавжудлиги банк томонидан берилган маълумотнома (банк рахбари ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган ва банк мухри билан тасдикланган) асосида 4 баллдан 10 баллгача бахоланади. Бунда комиссияга маълумотноманинг асли такдим этилади;
- и) талабгорнинг техника воситалари билан таъминланганлиги (уларнинг тури ва техник имкониятларидан келиб чикиб) техника воситалари техник паспортлари ва «Давтехназорат» инспекцияси маълумотномасига асосан 0 баллдан 10 баллгача бахоланади. Бунда комиссияга техника воситалари техник паспорт(лар)ининг асли кўрсатилган холда у(лар)нинг хўжалик рахбари томонидан тасдикланган нусхаси ва «Давтехназорат» инспекцияси маълумотномасининг асли такдим этилади.

Техника воситаларини бахолашда техник паспортда техника воситасининг созлигини тасдикловчи белги мавжуд булган техника воситалари инобатга олинади.

Техника воситаларини баҳолашда улар учун қуйилган баллар йиғиндиси 10 баллдан ошмаслиги лозим;

к) талабгор томонидан сўнгги 3 йил ичида ғалла сотиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг бажарилганлиги — шартнома тузган



корхонаси томонидан берилган маълумотнома асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумотноманинг асли тақдим этилади.

Талабгорнинг хар бир курсаткичи буйича тегишли баллни бериш масаласи комиссия аъзолари томонидан сувли ва лалми ерлар учун мазкур Низомнинг тегишлича 2 ва 3-иловаларида назарда тутилган курсаткичлар асосида купчилик овоз билан хал этилади ва хар бир курсаткич буйича битта балл берилади.

Сувли ва лалми ерлар буйича тупланган балларни қушиб ҳисоблаш тақиқланади.»;

- е) 21 24-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «21. Комиссиянинг якуний йигилиши баёни ва унга илова қилинган хужжатлар тегишлича Қорақалпогистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлигига ва вилоятлар қишлоқ ва сув хужалиги бошқармаларига ҳамда Бошоқли дон экинлари уругчилиги республика марказининг ҳудудий булимларига юборилади.
- 22. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруглик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга булиш учун талабгорларни танлаш ва танлов утказиш буйича ҳужжатлар комиссия котиби томонидан юритилади.
- 23. Комиссиянинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боглик барча хужжатлари алохида йигмажилдларда сакланади. Мазкур хужжатлар уругчилик хўжаликларининг барчаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 2 хафта мобайнида Қорақалпогистон Республикаси Қишлок ва сув хўжалиги вазирлигига ва вилоятлар кишлок ва сув хўжалиги бошкармалари архивига, Бошокли дон экинлари уругчилиги республика марказининг худудий бўлимларига топширилади.
 - 24. Хар бир йигмажилдда қуйидаги хужжатлар тикилиши лозим:
- а) туман ҳокимининг танлов ўтказиш комиссияси таркибини тасдиқлаш ва танловни эълон қилиш тўгрисидаги қарори нусхаси;
- б) танловга талабгор томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар;
- в) ҳар бир комиссия аъзоси томонидан тулдирилган танлов вараҳалари;
 - г) танлов якуни буйича қуйилган баллар хисоб-китоби;
 - д) танлов ўтказиш якунлари бўйича комиссиянинг баённомалари;
- е) талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боглиқ бошқа хужжатлар.

Йиғмажилдга рейтинг балларини бериш учун асос булган барча хужжатлар тикилиши шарт.»;

ж) 26-бандда:

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«хўжаликда уругчилик бўйича агроном ёки агрономнинг бўлишини таъминлайди (хўжалик раҳбарининг мутахассислиги (маълумот тўгрисидаги ҳужжатга асосан) уругчилик бўйича агроном ёки агроном бўлган ҳоллар бундан мустасно);»;



70-модда

— 70 — 7 (715)-сон

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фойдаланишга рухсат этилган кимёвий препаратлар билан қайта ишланган (зарарсизлантирилган) уруғлик донни экади;

йилига камида икки марта нав ва тур тозалиги буйича дала куригини утказиб, бегона нав ва турлардан тозалаш ишларини ташкиллаштиради.»;

- 3) 1 ва 4-иловаларнинг белгисидаги «уруғлик ғалла» деган сўзлар «бошоқли дон экинлари уруғларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- и) 2 ва 3-иловалар тегишлича мазкур ўзгартириш ва қушимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофик тахрирда баён этилсин.
- 3. Мазкур ўзгартириш ва қушимчалар Узбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кумитаси, «Уздонмахсулот» акциядорлик компанияси ва Узбекистон Фермерлар Кенгаши билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

2016 йил 11 февраль

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат құмитаси раиси

С. АРАБОВ

2016 йил 2 февраль

«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Э. ҚУДРАТОВ

2016 йил 3 февраль

Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раиси

С. ТУРДИЕВ

2016 йил 3 февраль



«Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруглик галла етиштириш хукукига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш ҳақида»ги буйрукка киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчаларга 1-ИЛОВА

«Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга булиш учун ҳужаликлар уртасида танлов утказиш тартиби тукрисидаги низомга 2-ИЛОВА

Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда талабгорларнинг сувли ерлари буйича имкониятларини баҳолайдиган РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ

T/p	Бахоланадиган имкониятлар (холатлар)	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллар	Асослаш учун такдим этилган хужжат(лар)
1.	Тупроқ унумдорлиги (бонитет балл)	60 балл ва ундан юқори	10 балл	
		50 баллдан 60 баллгача	8 балл	Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотномаси
		40 баллдан 50 баллгача	4 балл	маыгумотномаси
	Оқар сув таъминоти	ишхк	10 балл	Ирригация тизими
2.		ўртача	5 балл	бошқармаси
		ёмон	0 балл	маълумотномаси
	Тупроғининг шўрланганлик даражаси (фоизда)	шўрланмаган	10 балл	
		кам шўрланган (0,3 — 0,5)	6 балл	Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотномаси
3.		ўртача шўрланган (0,6 — 1,0)	4 балл	
		кучли шўрланган (1 дан юқори)	0 балл	
	Тупроғи таркибидаги фосфорнинг микдори (мг / 1 кг)	жуда кўп (60 ва ундан кўп)	5 балл	Тупроқ таркибидаги фосфорнинг мавжуд
		кўп (46 — 60)	4 балл	
4.		ўртача (31 — 45)	3 балл	фосфорнин мавжуд микдорини тасдикловчи маълумотнома
		кам (16 — 30)	2 балл	(агрокимёвий хаританома)
		жуда кам (0 — 15)	0 балл	
	Тупроғи таркибидаги калийнинг миқдори (мг / 1 кг)	жуда кўп (400 ва ундан кўп)	5 балл	Тупроқ таркибидаги калийнинг мавжуд миқдорини тасдиқловчи маълумотнома
5.		кўп (301 — 400)	4 балл	
		ўртача (201 — 300)	3 балл	(агрокимёвий хаританома)

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.



70-модда — 72 — 7 (715)-сон

T/p	Бахоланадиган	Рейтинг	Рейтинг баллар	Асослаш учун такдим
	имкониятлар (холатлар)	кўрсаткичлари кам		этилган хужжат(лар)
		(101 —200)	2 балл	
		жуда кам (0 — 100)	0 балл	
	Тупроғи таркибидаги гумуснинг миқдори (фоизда)	жуда кўп (1.61 ва ундан кўп)	5 балл	
		кўп (1.21 — 1.60)	4 балл	Тупроқ таркибидаги гумуснинг мавжуд миқдорини тасдиқловчи маълумотнома (агрокимёвий хаританома)
6.		ўртача (0.81 — 1.20)	3 балл	
		кам (0.41 — 0.80)	2 балл	
		жуда кам (0 — 0.40)	0 балл	
	Сўнгги 3 йил ичида ғалла майдонлари касалликларга	сўнгги 3 йилда кузатилмаган	10 балл	
7.	маидонлари касалликларга чалинмаганлиги ва зараркунандалар билан зарарланмаганлиги, шунингдек уларда бегона ўтлар тарқалмаганлиги	сўнгги 2 йилда кузатилмаган	5 балл	Туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди
		сўнгги 1 йил давомида кузатилган	1 балл	маълумотномаси
		сўнгги 3 йил давомида кузатилган	0 балл	
	Хўжалик рахбарининг мутахассислиги	уруғчилик бўйича агроном	10 балл	Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат
		агроном	9 балл	
		иқтисодчи	8 балл	
8.		ҳуқуқшунос	7 балл	
		инженер, хисобчи	5 балл	
		механик, зоотехник, ветеринар ва бошка	4 балл	
		мутахассислар	4 Oann	
9.	Хўжалик рахбарининг	олий	10 балл	Маълумоти тўғрисидаги
٠.	маълумоти	ўрта махсус	5 балл	хужжат
	MassiyMom	15 йил ва ундан юқори	10 балл	149 2122441
	Хўжалик рахбарининг қишлоқ хўжалиги	10 йилдан 15 йилгача	8 балл	
10.		5 йилдан 10 йилгача	6 балл	Мехнат дафтарчаси
	сохасидаги иш стажи	3 йилдан 5 йилгача	4 балл	
		1 йилдан 3 йилгача	2 балл	
	Талабгорнинг банк ҳисобварағидаги мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари	энг кам иш ҳақининг 200 баробари ва ундан юқори миқдорда	10 балл	
11.		энг кам иш ҳақининг 150 баробаридан 200 баробаригача миқдорда	8 балл	Банк томонидан берилган
11.		энг кам иш ҳақининг 100 баробаридан 150 баробаригача миқдорда	6 балл	маълумотнома
		энг кам иш ҳақининг 100 баробаридан кам бўлса	4 балл	
12.	Талабгорнинг техника	хайдов трактори	2 балл	Техника воситалари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.



7 (715)-сон — 73 — 70-модда

T/p	Бахоланадиган имкониятлар (холатлар)	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллар	Асослаш учун такдим этилган хужжат(лар)
	воситалари билан таъминланганлиги	ғалла экиш сеялка (мосламаси)	2 балл	техник паспорти, «Давтехназорат»
		транспорт трактори (ОВХ-600) (2 та тиркама билан)	2 балл	инспекцияси маълумотномаси
		ер текислагич, грейдер, чизел (мола, борона комплектда)	2 балл	
		ғалла ўриш комбайни	2 балл	
	Сўнгги 3 йил ичида ғалла сотиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг бажарилганлиги	сўнгги 3 йил ичида бажарган	10 балл	Шартнома тузилган корхона томонидан берилган маълумотнома
13.		сўнгги 2 йил ичида бажарган	6 балл	
		сўнгги 1 йил ичида бажарган	2 балл	

».

«Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруглик галла етиштириш хукукига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш ҳақида»ги буйрукка киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчаларга 2-ИЛОВА

«Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошокли дон экинлари уругларини етиштириш хукукига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўгрисидаги низомга 3-ИЛОВА

Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда талабгорларнинг лалми ерлари буйича имкониятларини баҳолайдиган РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ

T/p	Бахоланадиган имкониятлар (холатлар)	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллар	Асослаш учун тақдим этилган хужжат(лар)
	Тупроқ унумдорлиги (бонитет балл)	40 балл ва ундан юқори	10 балл	Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотномаси
1.		30 баллдан 40 баллгача	8 балл	
		20 баллдан 30 баллгача	4 балл	
2.	Хўжалик рахбарининг мутахассислиги	уруғчилик бўйича агроном	10 балл	Маълумоти тўгрисидаги
		агроном	9 балл	ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.



70-модда — 74 — 7 (715)-сон

T/p	Бахоланадиган	Рейтинг	Рейтинг	Асослаш учун такдим
1/Р	имкониятлар (холатлар)	кўрсаткичлари	баллар	этилган хужжат(лар)
		иқтисодчи	8 балл	
		ҳуқуқшунос	7 балл	
		инженер, хисобчи	5 балл	
		механик, зоотехник,		
		ветеринар ва бошқа	4 балл	
_		мутахассислар	10.5	
3.	Хўжалик рахбарининг	олий	10 балл	Маълумоти тўғрисидаги
	маълумоти	ўрта махсус	5 балл	ҳужжат
		15 йил ва ундан юқори	10 балл	
	Хўжалик рахбарининг	10 йилдан 15 йилгача	8 балл	,
4.	қишлоқ хўжалиги	5 йилдан 10 йилгача	6 балл	Мехнат дафтарчаси
	сохасидаги иш стажи	3 йилдан 5 йилгача	4 балл	
		1 йилдан 3 йилгача	2 балл	
		энг кам иш хакининг	10 балл	
		150 баробари ва ундан		
		юқори миқдорда		
	Талабгорнинг банк ҳисобварағидаги мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари	энг кам иш хакининг		Банк томонидан берилган маълумотнома
		100 баробаридан 150 баробаригача	8 балл	
		130 оарооаригача микдорда		
5.		энг кам иш хакининг		
		50 баробаридан	6 балл	
		100 баробаригача		
		микдорда		
		энг кам иш хакининг	4 балл	
		50 баробаридан кам		
		бўлса		
	Талабгорнинг техника воситалари билан таъминланганлиги	ҳайдов трактори	2 балл	Техника воситалари техник паспорти, «Давтехназорат» инспекцияси маълумотномаси
		ғалла экиш сеялка	2 балл	
		(мосламаси)		
		транспорт трактори	2 балл	
_		(OBX-600)		
6.		(2 та тиркама билан)		
		ер текислагич,	2 балл	
		грейдер, чизел		
		(мола, борона комплектда)		
		ғалла ўриш комбайни	2 балл	
	Сўнгги 3 йил ичида ғалла сотиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг бажарилганлиги	сўнгги 3 йил	Z UAJIJI	Шартнома тузилган корхона томонидан берилган маълумотнома
7.		сунтти 3 иил ичида бажарган	10 балл	
		сўнгги 2 йил		
		ичида бажарган	6 балл	
		сўнгги 1 йил	2 балл	
		•		
		ичида бажарган	2 0am	

».